

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Yu.22.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАМАЗОНОВА НАРГИЗА АБДИРАШИДОВНА**

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН  
ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСЛУБИЁТИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,  
тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Рамазонова Наргиза Абдирашидовна**

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиёти.....3

**Рамазонова Наргиза Абдирашидовна**

Методика расследования преступлений, совершенных несовершеннолетними.....23

**Ramazonova Nargiza Abdirashidovna**

Methodology of investigation of crimes, committed by juveniles.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАМАЗОНОВА НАРГИЗА АБДИРАШИДОВНА**

**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН  
ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ УСЛУБИЁТИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,  
тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Yu135 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғи порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Пулатов Бахтиёр Халилович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Пўлатов Юрий Сайфиевич**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Файзиев Шохруд Фармонович**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Ички ишлар вазирлиги Академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил 26 декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (888-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2019 йил «14» декабрь куни тарқатилди.

(2019 йил 14 декабрдаги 9-рақамли реестр баённомаси).

**Н.С. Салаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор в.б.

**Б.Т. Мусаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

**Г.З. Тулаганова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, БМТнинг 1989 йил 20 ноябрдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ «болаларга нисбатан амалга ошириладиган ҳар қандай ҳаракат (ҳаракатсизлик) биринчи навбатда, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмоғи лозим»<sup>1</sup>. Турли мамлакатларда содир этилган жами жиноятларнинг 30-40 % и вояга етмаганлар ҳиссасига тўғри келиши, жумладан, Буюк Британияда 40 %, Америка Қўшма Штатларида 32 %, Германияда 38 % ни ташкил этиши, сўнгги йилларда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг сўнгги йигирма йил давомида йилига 3 % дангина камайиши<sup>2</sup> вояга етмаганларни тергов қилиш билан боғлиқ фаолиятни такомиллаштириш зарурати мавжудлигидан далолат беради.

Жаҳонда вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишининг сабабларини ўрганиш, улар ўртасида жиноятчиликка қарши курашиш, бу соҳада тергов олиб бориш услубиётини илмий жиҳатдан такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда, жумладан, жиноий жавобгарлик минимал ёши, ушбу ёшни белгилашда психофизиологик жиҳатларнинг таъсири, вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик ва жазони янада либераллаштириш, тергов ва суд жараёнининг ихтисослаштирилишини кучайтириш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини кўшимча ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар жиноятларини олдини олиш ва профилактика қилишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда жиноят процессида вояга етмаганлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан, вояга етмаганларга нисбатан кўшимча кафолатлар киритилиши, вояга етмаганлар учун тайинланадиган жазоларнинг янада либераллаштирилиши ҳамда улар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилиш, ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида кенг кўламли тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

«Вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш, процессуал ҳаракатларни ўтказишда уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва туман (шаҳар) ички ишлар органлари тузилмасини такомиллаштириш, уларнинг вояга етмаганлар билан ишлашга оид фаолиятини кучайтириш имконини бериши»<sup>3</sup> ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

<sup>1</sup> [www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/juveniles\\_deinquency\\_prevention.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/juveniles_deinquency_prevention.shtml)

<sup>2</sup> [www.un.org](http://www.un.org).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПФ–4850-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон фармонлари, 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ–3723-сон қарорида белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиётини такомиллаштириш масаласи мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Тадқиқотнинг айрим жиҳатлари Ғ.А.Абдумажидов, Р.А.Алимова, А.А.Базаров, Ш.Т.Джуманов, А.Ирсалиев, Н.Т.Исмоилов, Д.М.Миразов, Т.Б.Маматқулов, А.Н.Норбоев, Б.Ф.Набераев, У.М.Носиров, А.М.Рахимов, Ш.Содиқова, Г.З.Тулаганова, Х.А.Тураббаев, Н.Тоштемиров, М.К.Утениязов, Б.Я.Усмонов, В.Г.Файзуллаева, Ш.Т.Хасанов, Р.Р.Шакуров, А.Б.Қулахметов ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

МДХ мамлакатлари доирасида Т.В.Аверьянова, Р.С.Белкин, О.Я.Баев, И.И.Белозерова, А.Ф.Волынский, И.Ф.Герасимов, А.Ю.Головин, Я.Л.Драпкин, Е.П.Ищенко, В.Н.Исаенко, Ю.Г.Корухов, В.П.Корноухов, П.А.Кокорин, И.С.Лустина, Е.Р.Российская, А.А.Топорков, А.Г.Филлипов, А.С.Шаталов, С.Д.Шестакова, А.В.Шмонин, Н.П.Яблоковлар криминалистика назариясидан келиб чиқиб мавзунинг айрим жиҳатларини тадқиқ қилганлар. Бевосита вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш билан боғлиқ масалаларни ўрганган олимлардан К.А.Авалиани, О.Ю.Андриянова, Х.В.Бопхоев, С.Н.Вергунова, И.В.Гецманова, Г.А.Дымов, Т.В.Исакова, Н.А.Кириянина, И.А.Макаренко, С.В.Матвеев, А.С.Осмонова, А.А.Сычев, С.Е.Тимошенко, С.М.Трашкова, Н.Н.Щелочковларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Хорижий мамлакатларда вояга етмаган жиноят содир этган шахсларнинг психологияси, жинойий жавобгарлик минимал ёши борасида К.Каннин ва Р.Уайт (Австралия), Д.Киприани, К.Хилбран, К.Хванг, К.Веланова, Б.Луна, Дж.МакКорд, К.Уидом, Н.Кроуэлл, С.Ж.Ордаз, Уи.Форан, Д.Ж.Симмондс, М.Н.Холкуист, М.Асато (АҚШ), С.Шеннах (Австрия)<sup>1</sup> каби олим ва мутахассислар томонидан илмий ишлар олиб

---

<sup>1</sup> Мазкур олимлар асарларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

борилган.

Мамлакатимизда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиётини такомиллаштиришга қаратилган алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш муаммолари» илмий тадқиқотининг устувор лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган назарий ҳулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

вояга етмаганлар жиноятлари тушунчаси, жиний жавобгарликка тортиш ёшини белгилаш бўйича халқаро ва миллий тажриба ҳамда вояга етмаганларнинг психофизиологик ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

вояга етмаганлар жиноятларининг криминалистик тавсифи, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни назарий-ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишни режалаштириш, тергов қилишда тусмолларни илгари суришнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиб кўрсатиш;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда вужудга келадиган тергов вазиятлари тавсифини ўрганиш;

тергов қилиш чоғида амалга ошириладиган дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатларини таҳлил этиш;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш масалаларини тадқиқ этиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, мазкур турдаги жиноятларни тергов қилиш амалиётини яхшилаш юзасидан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** жиноят-процессуал ҳуқуқи назарияси ва криминалистиканинг вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишга оид концептуал қоидалари, миллий қонунчилик нормалари, халқаро шартнома ва келишувлар, тергов амалиёти ва ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили ҳамда статистик маълумотлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда комплекс ёндашув, тизимли-функционал ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, ижтимоий сўровномалар ўтказиш, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция, дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар

қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга асосий жазо сифатида мажбурий жамоат ишларини қўллаш мумкинлиги асосланган;

мажбурий жамоат ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан олти соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга тайинланиши зарурлиги асосланган;

вояга етмаган шахсларга нисбатан тайинланадиган мажбурий жамоат ишлари вояга етмаганларнинг соғлиғига ва маънавий жиҳатдан ривожланишига зарар етказмаслиги, ўқиш жараёнини бузмаслиги лозимлиги асослаб берилган;

ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар томонидан мажбурий жамоат ишларини бажариш муддати олти ой давомида кунига икки соатдан ошмаслиги зарурлиги асосланган;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган вояга етмаганлар устидан доимий назорат профилактика инспекторлари томонидан ҳокимлик, таълим соҳасидаги ҳудудий давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари иштирокида амалга оширилиши зарурлиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жинойий жавобгарлик минимал ёшини ўзгартириш ҳамда вояга етмаганларга нисбатан муқобил жазоларни қўллашни кенгайтириш бўйича таклифлар асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар сирасига «вояга етмаган томонидан жиноят содир этилишини келтириб чиқарган сабаблар ва асослар» ва «руҳий ҳолатининг бузилганлиги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда вояга етмаганнинг ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши аниқланган ҳолатларда унинг ақлий ривожланишига мос ёши ҳамда ушбу ҳолатда вояга етмаган ўз ҳаракатларининг фактик характерини ёки ижтимоий хавфлилик даражасини тўлиқ англаган ёхуд бошқара олганлиги» қўшимча равишда текширилиши ҳамда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш чоғида психологларнинг иштирок этиши зарурати асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорига халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган қоидаларнинг киритилиши бўйича таклифлар асосланган;

идоравий ҳужжатларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга хизмат қилишга қаратилган тавсиялар асослаб берилган;

вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишга тайёргарлик кўриш ва терговни олиб бориш амалиётини тубдан такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Мазкур тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва миллий қонунчилик, хорижий



мамлакатлар тажрибаси, тергов амалиётига асосланган, унинг доирасида фойдаланилган статистик материаллар тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилган. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилган ҳамда миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ушбу тадқиқот вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий асосларини ривожлантиришга, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини қўллаш ҳамда тергов амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, қонунни қўллаш амалиётини жиноят ва жиноят-процессуал кодексларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, криминалистика фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий хужжатлар тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, қонунни қўллаш ва тергов амалиётини такомиллаштиришда ҳамда олий юридик таълим муассасаларида криминалистика соҳасидаги фанларни ўқитишда хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш масалаларини тадқиқ этишнинг илмий натижалари асосида:

вояга етмаганларга нисбатан мажбурий жамоат ишлари тариқасидаги жазонинг қўлланилиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 81-моддасига киритилишида инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2018 йил 4 декабрдаги 06/1-05/867ж-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш орқали вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилади;

мажбурий жамоат ишларининг фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан олтмиш соатдан икки юз қирқ соатгача бўлган муддатга тайинланиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 82<sup>1</sup>-моддаси киритилишида инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2018 йил 4 декабрдаги 06/1-05/867ж-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг қабул қилиниши вояга етмаганларга нисбатан мажбурий жамоат ишлари тарзидаги жазони қўллашнинг тартибини белгилашга хизмат қилади;

мажбурий жамоат ишлари вояга етмаганларнинг соғлиғига ва маънавий жиҳатдан ривожланишига зарар етказмаслиги ҳамда ўқиш жараёнини

бузмаслиги лозимлиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 82<sup>1</sup>-моддаси диспозициясига киритилишида инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2018 йил 4 декабрдаги 06/1-05/867ж-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг қабул қилиниши вояга етмаганларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олишга хизмат қилади;

ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар томонидан мажбурий жамоат ишларини бажариш муддати олти ой давомида кунига икки соатдан ошмаслиги ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 82<sup>1</sup>-моддасига киритилишида инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2018 йил 4 декабрдаги 06/1-05/867ж-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши ушбу турдаги жазони ўташнинг тартибини белгилашга хизмат қилади;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган вояга етмаганлар устидан доимий назорат профилактика инспекторлари томонидан ҳокимлик, таълим соҳасидаги ҳудудий давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари иштирокида амалга оширилиши ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 27 июлдаги 157-сон буйруғи билан тасдиқланган йўриқноманинг 81-бандига киритилишида инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ташкилий департаменти Юридик таъминлаш бошқармасининг 2018 йил 29 ноябрдаги 33/04-01/3417-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга кенг жамоатчиликни жалб этишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий анжуманда, жумладан, 8 та халқаро, 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан, 6 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисми (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот

натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг «**Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишнинг назарий ва криминалистик асослари**» номли биринчи бобида вояга етмаганлар жиноятлари тушунчаси, жиноий жавобгарликка тортиш ёшини белгилаш борасидаги миллий ва халқаро тажриба, вояга етмаганларнинг психофизиологик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг криминалистик тавсифи, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Диссертант томонидан қайд этилганидек, вояга етмаганлар жиноятчилиги тушунчасига таъриф беришда турли илмий-назарий фикрлар илгари сурилган бўлиб, улардан аксарияти жиноят қонунчилиги билан белгиланган жиноий жавобгарлик келиб чиқишининг минимал ёши ва вояга етиш ёши оралиғида содир этилган жиноятлар сифатида ажратиб кўрсатилади.

Жиноий жавобгарликка тортишнинг минимал ёшига тўхталиб ўтар экан, муаллиф Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 17-моддасида жиноий жавобгарлик ёши ҳақидаги қоидалар мустаҳкамланганлиги ҳамда унга кўра 18 ёш (вояга етиш ёши)дан кичик уч туркум ёш гуруҳларини ажратиб чиқариш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди: 17-модданинг иккинчи қисмига кўра 13 ёшга тўлган вояга етмаган шахслар ЖКнинг бир моддаси, яъни 97-модданинг иккинчи қисми – оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик жиноятини содир этганларида жиноий жавобгарликка тортиладилар; 14 ёшга тўлган вояга етмаганлар эса ЖКда назарда тутилган жами 21 модда (айрим ҳолларда қисмлар) бўйича жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин; 16 ёш жиноий жавобгарликнинг умумий ёши ҳисобланади.

Бунинг асосида тадқиқотчи Ўзбекистон Республикасида жиноий жавобгарлик минимал ёши 13 ёш қилиб белгиланган деган хулосага келган. Шу билан бирга, халқаро ҳукуқий ҳужжатларга мувофиқ ижобий деб баҳоланмайдиган вояга етиш ёшидан кичик бўлган уч турдаги ёш гуруҳлари ажратилганлигини алоҳида қайд этиб ўтган.

Муаллифнинг фикрича, қиёсий таҳлил натижалари аксарият ривожланган мамлакатларда, миллий қонунчилигимиздан фарқли равишда, жиноий жавобгарлик минимал ёши 14 ёш қилиб белгиланган ҳамда ушбу ёшни белгилашда халқаро ҳукуқий ҳужжатларда назарда тутилган қоидаларга асосланган.

Диссертацияда жиноятларнинг криминалистик тавсифи элементларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган: муайян турдаги жиноятнинг тушунчаси ва ўзига хос белгилари; жиноятга тайёргарлик кўриш ва содир этиш усули; жиноят содир этилган шарт-шароит (вақти, жойи ва ҳ.к.); жиноят содир этилиши натижасида келиб чиққан излар

(из қолдириш механизми); жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш.

Юридик адабиётлар таҳлилидан хулоса қилиниб, адабиётларда вояга етмаганларнинг жиноятларига доир криминалистик тавсиф элементлари турлича талқин қилинганлиги, айрим ҳолларда криминалистик тавсиф жиной тавсиф билан чалкаштириб юборилганлиги, жиноятларнинг криминалистик тавсифи терговчи учун энг асосий бошланғич манба эканлигини ҳисобга олган ҳолда уни аниқлаштириш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилган.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда криминалистик тавсифга эътибор қаратиш жуда муҳим ҳисобланиши, негаки бу жиноятнинг тез ва тўла очилишига кўмак бериши таъкидланган. Муаллифнинг фикрича, терговчи ва прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида қўйидаги кенгайтирилган жиноятларнинг криминалистик тавсифи рўйхатига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ: а) вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятлар тушунчаси, умумий ҳамда хусусий белгилари; б) жиноятга тайёргарлик қўриш, уни содир этиш ҳамда яшириш усуллари; в) жиноятни содир этиш механизми; г) вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятнинг шарт-шароитлари (жойи, вақти ва ҳ.к.); д) вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятдан қоладиган излар (из қолдириш механизми); е) вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш.

Жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан суд ишини юритишда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгиланган иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар ҳар томонлама ва тўлиқ текшириб чиқилиши лозимлиги қайд этилган.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларга ЖПКнинг умумий исбот қилиниши шарт бўлган ҳолатлар билан бирга, вояга етмаганлар учун қўшимча қоидалар белгиланганлиги, улар ЖПКнинг 548-моддасига мувофиқ вояга етмаганнинг аниқ ёши, вояга етмаганнинг шахсига хос хусусиятлар ва унинг саломатлиги ҳолати, вояга етмаганнинг турмуш ва тарбияланиш шароитлари, катта ёшли далолатчилар ва бошқа иштирокчиларнинг бор ёки йўқлигини аниқлаш лозимлиги таъкидланган.

Муаллиф иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни синчковлик билан текшириш вояга етмаган шахс томонидан содир этилган жиноятнинг тўғри квалификация қилинишига, жиноят тез, тўлиқ ва тўғри очилишига, шунингдек шахсга қонуний ва асосли, инсонпарвар жазо тайинланишига, енгиллаштирувчи ҳолатларнинг тўғри қўлланилишига олиб келади, деган хулосага келган. Ушбу ҳолат вояга етмаган шахснинг келажагига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаслигидан келиб чиқиб, вояга етмаган жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқларини қўшимча ҳимоялаш ва эркинликларини таъминлаш мақсадида ЖПКнинг 548-моддасига «Рухий ҳолатининг бузилганлиги билан боғлиқ бўлмаган ҳолда вояга етмаганнинг ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши аниқланган ҳолатларда унинг ақлий ривожланишига мос ёши ҳамда ушбу ҳолатда вояга етмаган ўз

ҳаракатларининг фактик характери ни ёки ижтимоий хавфлилик даражасини тўлиқ англаган ёхуд бошқара олганлиги кўшимча равишда текширилади» таҳриридаги янги қисм қиритилиши лозимлиги диссертацияда исботланган.

Диссертациянинг «**Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишнинг тактик қоидалари**» номли иккинчи бобида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишни режалаштириш, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда тусмолларни илгари суришнинг ўзига хос хусусиятлари, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда вужудга келадиган тергов вазиятлари тавсифи каби масалалар ёритилган.

Диссертацияда кўрсатиб ўтилганидек, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда, терговчи ёки прокурор тергов режасини тузади, ушбу режа оғзаки ёки ёзма ёхуд иккала кўринишда ҳам бўлиши мумкин.

Муаллиф терговни режалаштириш махсус ижтимоий-ташқилий фаолият эканлигидан келиб чиқиб, ушбу фаолият мақсадининг қуйидаги белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкинлигини назарда тутди: мақсад, биринчи навбатда, тергов режасининг мўлжалланганлигини ифода этиш учун зарур; мақсад режалаштириш жараёнининг асосий йўналишларини белгилаб беради; мақсад тегишли ваколатлар ва уларнинг амалга оширилиши воситалари ҳажмини белгилаб беради; мақсадга биноан терговнинг тизимли конфигурацияси аниқланади; мақсад жиноятларнинг очилиши, тергов қилиниши ва олдини олиш бўйича фаолиятни тартибга солади; мақсад жиноятларнинг очилиши, тергов қилиниши ва олдини олиш бўйича фаолият субъектларини бирлаштиради; мақсадга асосланиб, жиноятларнинг очилиши, тергов қилиниши ва олдини олиш бўйича фаолият ҳамда унинг натижаларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади; режалаштириш мақсади жиноятларни тергов қилиш режаси билан айнан бўлиб, улар олдиндан қонун чиқарувчи томонидан белгиланган, яъни қонун нормалари билан мустаҳкамланган; режалаштириш мақсадларига эришиш ҳар қандай терговнинг муҳим шартидир; тергов мақсади, режалаштириш мақсади сингари, ҳар қандай жиноят ишлари учун ягона кўрсатма шаклланиши учун асосий мезон сифатида илгари сурилади; режалаштириш мақсади ўз мазмунига кўра объектив бўлиб, тергов органи томонидан аниқ жиноят иши ҳолатларига нисбатан қўлланилади.

Шу асосида муаллиф томонидан жиноятларни режалаштириш мақсадига қуйидагича таъриф илгари сурилган: «тергов қилишни режалаштириш мақсади терговни режалаштиришнинг мўлжали бўлиб, унга асосан режалаштириш функциялари, тузилиши ҳамда жиноятларнинг очилиши, тергов қилиниши ва олдини олиш бўйича фаолият субъектларининг ваколатлари белгиланиши билан бир қаторда, мазкур субъектлар фаолияти тавсифи ва натижаларини баҳолаш мезонлари аниқланади». Шундай қилиб, тергов қилишни режалаштиришнинг ягона мақсади – иш ҳолатларининг ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив тадқиқ

этилиши тамойиллари ва жиноий иш юритув (дастлабки тергов) тайинланиши билан тавсифланадиган жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга интилишдан иборат.

Муаллиф таъкидлаганидек, терговнинг дастлабки босқичида режалаштириш учун ахборот мавҳумлиги; дастлабки маълумотларнинг етишмаслиги; фақат типик фаразлар билан чекланиш; моҳиятан кечиктириб бўлмайдиган, режалаштириш ва тергов қилишнинг кейинги босқичига ўтиш учун далилий асосларни кенгайтириши мумкин бўлган тергов ҳаракатлари доирасини белгилаб олиш; тергов ҳаракатларининг тахминий кетма-кетлигини белгилаш; жиноятни тез очиш ва тергов қилиш мақсадида тегишли далилларни тўплаш хосдир.

Кейинги тергов босқичини режалаштиришда далилларни баҳолаш ва тизимлаштириш аҳамиятлидир.

Муаллиф қайд этганидек, вояга етмаганлар жиноятига оид ишлар бўйича икки турдаги ёзма режа тузиш мақсадга мувофиқ бўлиб, биринчи режа умумий режа ҳисобланиб, қуйидагиларни қамраб олиши лозим: ЖПКда назарда тутилган умумий ва махсус исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлашга доир чора-тадбирлар; вужудга келган тергов вазиятидан келиб чиқиб юритиладиган тусмоллар; илгари сурилган тусмолларни текшириш мақсадида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари рўйхати; жиноятни очишга ёрдам бериши мумкин бўлган ва тергов қилишда жалб этилиши лозим бўлган шахслар рўйхати; ҳар бир чора-тадбирни ўтказиш муддатлари ҳақида маълумотлар; жиноятнинг олдини олиш ва профилактика қилишга оид чора-тадбирлар ва ҳ.к. Иккинчи режада бевосита тергов ҳаракатларини ўтказиш режаси акс этиши лозим бўлиб, унда дастлабки ва кейинги тергов ҳаракатлари кўрсатилган бўлиб, ҳар бири бўйича амалга оширилиши керак бўлган ишлар, бу тергов ҳаракатларини ўтказишнинг ташкилий ва тактик қоидалари, уларнинг муддатлари, кетма-кетлиги, иштирокчилари, ҳар бир вояга етмаганнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги маълумотларнинг белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Диссертацияда тусмолларнинг қуйидаги турлари ажратилади: тусмолларни олға суриш субъекти ва фаолият хусусиятига кўра текшириш чоғида тергов ва суд, қидирув ва эксперт тусмоллари; умумий ва хусусий тусмоллар; типик (аниқ ва мавжуд) ва ахтарув (қидирув) тусмоллари; асосий тусмоллар ва қарши тусмоллар; иш тусмоллари; мантиқан тўғри, яъни асосли ва нотўғри тусмоллар; чин, яъни воқеликка мос ҳамда сохта, воқеликка номувофиқ тусмоллар; тавсифловчи ва тушунтирувчи тусмоллар; тергов, тезкор-қидирув ва аралаш тусмоллар.

Тусмоллар иш ҳолатлари ва келиб чиққан тергов вазиятига боғлиқ ҳолда илгари сурилади. Диссертант фикрича, тусмолларни умумлаштирган ҳолда яна қўшимча сифатида қуйидаги тусмолларни текшириб чиқиш мақсадга мувофиқ: ушбу жиноят вояга етмаган шахс томонидан содир этилганми; катта ёшли шахс ўз жиноий мақсадини амалга ошириш учун вояга етмаган шахсдан фойдаланганми ёки вояга етмаган шахс ўзи ушбу қилмишни содир этганми; вояга етмаганларнинг мунтазам (вақти-вақти билан) жиноят содир этадиган

жинойй гуруҳи мавжудми, ушбу жиноий гуруҳда катта ёшдаги иштирокчилар мавжудми; олдиндан ваъда берган ҳолда жиноят йўли билан топилган мол-мулкни яшириш ҳақида катта ёшли шахс билан келишиб олинган ҳолат мавжудми; олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноий йўл билан топилган мол-мулкни яшириш ҳолати мавжудми; вояга етмаган жиноятчининг жиноят содир этиш йўли билан топган мулкни катта ёшли шахс томонидан эгаллаб олиниши; вояга етмаган шахс катта ёшли бажарувчининг жиноятини яшириш мақсадида содир этилган жиноятни ўз бўйнига олмоқда; катта ёшли шахслар томонидан вояга етмаган шахсни тиланчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик, психотроп моддалар ёки бошқа инсоннинг ақл-идрокига таъсир кўрсатмачи моддалар истеъмол қилишга, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб этиш ҳолларининг мавжудлиги ва ҳ.к.

Муаллифнинг фикрича, тергов олиб боришнинг кейинги босқичларидаги тергов вазиятлари қуйидагича таснифланади:

1. Айбланувчи ўзининг айбини тан олади, кўрсатмалар беради (жинойй гуруҳ аъзоларининг барчаси ўз айбини тан олади ва улар ўзаро зид келмайдиган кўрсатмалар беради). Бундай вазият бир мунча содда ва тергов учун мақбул ҳисобланади. Бу ҳолатда терговчи кўрсатмаларни текшириши лозим. Шу мақсадда суд экспертизалари тайинланади, сўроқ қилиш амалга оширилади. Бунда, шунингдек жиноятнинг сабабларини, айбланувчининг яшаш ва тарбия шароитларини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

2. Айрим жиноятчилар ўз айбига иқрор, қолганлари эса айбини тан олмаган. Айбланувчиларнинг кўрсатмалари ўртасида жиддий тафовутлар мавжуд. Терговчининг асосий вазифаси кўрсатмалардаги фарқларни бартараф этиб, ҳақиқатни аниқлашдан иборат. Ушбу вазифани ҳал этиш мақсадида тегишли тактик методлардан фойдаланган ҳолда такрорий сўроқ қилиш, юзлаштириш, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти, суд экспертизалари ўтказилади. Шунингдек, айбланувчиларнинг шахсини аниқроқ билиш учун сўроқ қилиш ва суд экспертизаларини ўтказиш мумкин. Бу вазият дастлабкисига нисбатан мураккаб, аммо тергов олиб бориш учун бирмунча қулай.

3. Айбланувчиларнинг барчаси ўз айбини инкор этмоқда, кўрсатмалар орасида зиддиятлар мавжуд эмас. Уларнинг ҳаммаси деярли айнан бир хил важлар кўрсатмоқдалар. Шу билан бирга, терговчи томонидан айбланувчиларнинг жиноят содир этишга алоқадор эканлигини исботловчи айрим далиллар мавжуд.

Диссертациянинг «**Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш услубиётини такомиллаштириш йўллари**» номли учинчи бобида тергов қилиш чоғида амалга ошириладиган дастлабки тергов ҳаракатлари, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишда ўтказиладиган кейинги тергов ҳаракатлари, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш масалалари тадқиқ этилган.

Муаллиф томонидан вояга етмаганлар билан муносабатда терговчи

процессуал меъёрларга риоя қилишдан ташқари, кенг миқёсдаги маънавий ва рухий билимларга таяниши лозимлиги, вояга етмаганлар билан ишлайдиган терговчи касбига хос фазилатлар билан бирга, инсонпарварлик, ўсмирни қайта тарбиялаш ва камол топиши имкониятига ишонч каби хусусиятларни намоён этиши шартлигидан келиб чиқиб, ушбу туркум терговчиларни қўшимча махсус ўқитиш фойдадан холи бўлмайди деган фикр юритилган.

Шундан келиб чиқиб ҳамда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида диссертант вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилишни махсус терговчиларга топшириш лозим, деган хулосага келган. Ушбу терговчиларга нисбатан ёш цензи, психологик билимларга эга бўлиш, иш тажрибасига эга бўлиш каби талабларни қўйиш таклиф этилган.

Диссертантнинг фикрича, ҳодиса аниқланган қуйидаги белгилар жиноятни ўсмирлар содир этганидан далолат беради: бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан ўйланган ва яқунланган ҳаракатларнинг йўқлиги. Қуйидаги фактлар жиноят ўсмирлар томонидан содир этилганлиги ёки жинойий гуруҳ таркибида ўсмирлар борлигидан далолат бериши мумкин: кичик ҳажмдаги оёқ, қўл излари; одатда, ўсмирлар киядиган пойабзал тагчармининг излари; ташлаб кетилган, йўқотилган, кўпинча ўсмирлар олиб юрадиган буюмлар (қўлбола совуқ қурол, занжирлар, безаклар, қолдирилган из ва ёзув кабилар).

Диссертацияда сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказишда терговчи томонидан психологик билимларни қўллаш билан бир қаторда, вояга етмаган шахсларнинг гендер фарқлари, ёшга доир фарқлар ва хусусий ўзига хос хусусиятларга эътибор қаратиш лозимлиги асослантирилган.

Вояга етмаган билан суҳбатлашишни талаб этувчи тергов ҳаракатлари ўтказиш чоғида психологларнинг иштирок этиши жиноятнинг тез ва тўла очилишига хизмат қилиши билан бир қаторда, вояга етмаганнинг психикасига салбий таъсирнинг олдини олишга хизмат қилиши алоҳида таъкидланган.

Вояга етмаган шахсларга нисбатан ҳам психиатрик, ҳам психологик экспертизаларни тайинлаш лозимлиги қайд этилган. Бунда вояга етмаган шахснинг ақлий ривожланишда орқада қолиши мумкинлиги ҳолати ўрганилади ва мутаносиб равишда жинойий жавобгарликка тортиш ёшини белгилашга муҳим таъсир кўрсатади.

Тадқиқотчи томонидан юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш вояга етмаганларга салбий таъсир кўрсатиши ҳамда ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш зарур бўлган ҳолларда қуйидаги тактик қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилган: юзлаштириш тергов ҳаракатида икки шахсдан бири вояга етмаган шахс ва иккинчиси вояга етган шахс бўладиган бўлса, тушунтириш бериш навбатини аввал вояга етмаган шахсга бериш даркор. Агар иккаласи ҳам вояга етмаган шахс бўлиб, бири судланган бўлса, тушунтириш беришни судланмаганидан бошлаган маъқул. Башарти икки шахс ҳам судланмаган, вояга етмаган шахслар бўладиган бўлса, унда тушунтириш беришни энг кичик ёшдагисидан, ёши тенг бўлса, ижобий хулқ-атворга эга шахсдан бошлаш керак.



Диссертантнинг фикрича, жиноятларнинг олдини олиш махсус фаолият бўлиб, жиноят содир этилганидан сўнг, вояга етмаган айбланувчи, жабрланувчи ёки бошқа шахслардаги ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори бартараф этиш ва кейинги рецидив (такрорланиши) жиноятларнинг олдини олишдан иборат. Профилактика фаолияти эса умумий характерга эга бўлиб, келажакда жиноят содир этиши мумкин бўлган шахслар жиноятчилигининг олдини олиш, уларни жиноятчиликнинг оқибатлари ҳақида огоҳ этиш ва жиноятларни келтириб чиқариши мумкин бўлган шарт-шароитларни бартараф этишдан иборат.

Диссертацияда таъкидланганидек, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича криминалистик олдини олиш ва профилактика қилиш терговни олиб бораётган шахс – прокурор ёки терговчи томонидан амалга ошириладиган фаолият ҳисобланиб, унинг асосий мақсади жиноятнинг олдини олиш, вояга етмаган айбланувчининг кейинчалик жиноят содир этишини профилактика қилиш ва умуман жиноятчиликка қарши курашишдан иборат. Бу фаолият жараёнида вояга етмаган айбланувчи, гумон қилинувчи ёки судланувчининг хулқ-атвориغا эътибор қаратиш билан бир қаторда, вояга етмаган жабрланувчининг ҳам ҳуқуққа хилоф хулқ-атвориغا эътибор қаратиш лозим. Бу фаолиятни амалга ошириш жараёнида терговчи турли усуллардан фойдаланади. Шу каби усулларга вояга етмаганларнинг яшаш ва тарбия шароити, оиласи, ўқиши, қизиқишлари ҳақидаги маълумотларни аниқлаганда, унга таъсир қилиши мумкин бўлган шахсларнинг рўйхатини тузиб, уларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш усули, вояга етмаган шахсни болалар муассасасига жойлаштириш, уларга нисбатан тарбия чораларини қўллаш, шунингдек психолог билан суҳбатлар уюштириш, суҳбатлар ўтказиш ва бошқа бир қатор усуллар қиради.

## ХУЛОСА

Жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминалистикага оид юридик илмий адабиётларни, миллий, халқаро ва хорижий мамлакатлар қонунчилигини, мазкур масала юзасидан тергов амалиётини, статистик маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш вояга етмаганлар жиноятини тергов қилишга оид қатор таклиф ва илмий тавсияларга асос бўлди.

### **I. Криминалистика назариясини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар:**

1. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар деганда жиноят қонунчилигида назарда тутилган жиноий жавобгарлик минимал ёши ва миллий қонунчилик асосида вояга етиш ёши сифатида тан олинган ёшга етгунга қадар содир этилган жиноятлар тушунилади;

2. Жиноятларнинг криминалистик тавсифи, тор маънода, жиноятнинг алоҳида тури, гуруҳи белгилари ва шароитлари тўғрисидаги илмий ишлаб чиқилган маълумотлар тизимидан иборат бўлиб, уларни ўрганиш жиноятнинг тез ва тўла очилишига кўмаклашади;

3. Жиноятларнинг криминалистик тавсифи элементларига

қўйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ: муайян турдаги жиноятнинг тушунчаси ва ўзига хос белгилари; жиноятга тайёргарлик кўриш ва содир этиш усули; жиноят содир этилган шарт-шароит (вақти, жойи ва ҳ.к.); жиноят содир этилиши натижасида келиб чиққан излар (из қолдириш механизми); жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш;

